**Шартнома лойиҳаси № ____**

**«    »            2022 йил                                                                                      Тошкент шаҳри**

Ушбу шартномага асосан бир томондан «________________» раҳбари _________ асосида иш юритувчи _______________(кейинги ўринларда «Етказиб берувчи») ҳамда иккинчи томондан АТ «Алоқабанк» (кейинги ўринларда «Буюртмачи») номидан ___________асосида иш юритувчи _________________ ўртасида тузилган ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## I.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 «Етказиб берувчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига кўра тайёрланган корпоратив униформа тўпламини (костюм, юбка, нимча, оқ кўйлак ва галстук) (кейинги матнда «товар (маҳсулот)» деб юритилади) шартнома ва унга илова қилинган товар(маҳсулот)нинг махсус хусусиятларига асосан «Буюртмачи»га мулк қилиб топшириш, «Буюртмачи» эса товар (маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда шартнома суммасини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 «Етказиб берувчи» қуйидаги товар(маҳсулот)ни сотади ва хизматларни бажаради.

| № | Товар (маҳсулот)ни номи | TNVED коди | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи ҚҚС бирга | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Оқ кўйлак | | | | | |
| 2. | Костюм | | | | | |
| 3. | Юбка | | | | | |
| 4. | Нимча | | | | | |
| 5. | Галстук | | | | | |
| 6. | Ж А М И : | | хх | хх | хх | |

## II.ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси _____________(________________) сўмни ташкил этади.

2.2. Товар(маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 30 (йигирма) банк иш куни.

2.3. Сотиб олинадиган товар(маҳсулот) учун тўлов юқорида кўрсатилган умумий сумманинг 15 фоизи (%)_____________________сўм олдиндан, товар (маҳсулот) етказиб берилиб, топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг қолган 85 фоизи (%) _______________________сўм тўлаб берилади.

2.4. «Етказиб берувчи» товар(маҳсулот)ни етказиб беришда барча транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

2.5. Мазкур шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар, агар шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тарафларнинг шартномада кўрсатилган ҳисобварақларига нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида амалга оширилади.

## III.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

а) Шартномада назарда тутилган тўлов талабларини ўз вақтида амалга ошириш.

б) Буюртмага оид нуқсонлар аниқланганда, шартномада кўрсатилган кафолатли муддат доирасида товар(маҳсулот)ларни «Етказиб берувчи»га қайтариб бериш. Бунда, «Етказиб берувчи» уларнинг қийматини тўлиқ қоплаб бериши ёки «Буюртмачи» билан келишган ҳолда 10 банк иш куни ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ларни сифатли товар (маҳсулот)ларга алмаштириб бериши лозим бўлади.
3.2. «Етказиб берувчи»нинг мажбуриятлари:
а) Товар(маҳсулот)нинг матоси ва ранглари, намунавий кўринишлари «Буюртмачи» томонидан танланиб (шартнома иловаларида кўрсатилганидек), тасдиқлангандан сўнг тайёрлаш ва банк логотипларини тушириш;
б) Ушбу шартнома ва шартномага иловаларда кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда товар(маҳсулот)ларни ўз вақтида, ҳажм ва сифатда «Буюртмачи»га тақдим этиш. Товарнинг сифати шартномада белгиланган товар(маҳсулот)нинг хусусиятига мос келадиган стандартларга мувофиқ келиши ва қадоқларда жойлаштирилиши керак. Қадоқлаш нархи товар (маҳсулот) нархига киритилган бўлиши лозим;
в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат ва хизмат кўрсатиш муддатларини тақдим этиш;
г) «Буюртмачи» билан шартномаси бекор бўлган ходимлар ўрнига «Буюртмачи»нинг мурожаатига асосан 5 (беш) банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда янги ишга қабул қилинган ходимларга махсус кийим тайёрлаб бериш;
д) «Етказиб берувчи» тўпламда сифатсиз товар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 10 банк иш куни ичида уларнинг қийматини тўлиқ қоплаб бериши ёки «Буюртмачи» билан келишган ҳолда сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатли товар (маҳсулот)га алмаштириб беришга мажбур.
е) Шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида етказиб берилиши лозим бўлган товар (маҳсулот)лар ўлчамларини олиш.

## IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик ҳолларида, тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.
4.2. «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган товар(маҳсулот)лар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати шартномага илова қилинган товар (маҳсулот) хусусиятлари, стандартлар, намуналар, қонунчиликда ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, «Буюртмачи» товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Етказиб берувчи»дан сифати лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.
4.3. «Буюртмачи» товарларни танлаб олмаслик, шунингдек «Етказиб берувчи» шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун «Буюртмачи» «Етказиб берувчи»га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 % и миқдорида жарима тўлайди.
4.4. «Етказиб берувчи» шартномада кўрсатилган товарни тўлиқ бермаса ёки беришдан бош тортса ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5 % миқдорда пеня тўлайди, пеня миқдори умумий сумманинг 50 % дан ошмаслиги лозим.
4.5. «Буюртмачи» олинган маҳсулотнинг қийматини шартномада келишилган муддатда тўламаса, тўловдан бош тортса, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 % миқдорда пеня тўлайди. Пеня миқдори умумий суммасининг 50 % дан ошмаслиги лозим.

## V. ТАРАФЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТУВЧИ ҲОЛАТЛАР

5.1.Тарафлар енгилмас куч таъсиридаги ҳолатлар (форс-мажор), яъни тарафлар кўра била олмаган ёки олдини ололмайдиган, тарафларнинг иродаси ва хоҳишидан ташқари вужудга келадиган ҳолатлар натижасида мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод этиладилар.
5.2. Форс-мажор ҳолатлар бўлиб, ёнғин, сув тошқини, зилзила ва бошқа табиий офатлар, эпидемия, техник фожиалар, харбий ҳаракатлар, фавқулотда вазиятлар, давлат органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳисобланади.
5.3. Форс-мажор ҳолат натижасида ўз мажбуриятини бажара олмаётган тараф иккинчи тарафни форс-мажор ҳолат вужудга келган кундан ва тугашидан 3 банк иш куни ичида, форс-мажор ҳолатлар вужудга келганлиги, давом этиши тахмин қилинаётган муддат, тугаш муддати ҳақида ёзма огоҳлантириши шарт.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома асосида ва унинг юзасидан тарафлар ўртасида вужудга келган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар, тарафлар томонидан музокара орқали ҳал этилади.
6.2. Вужудга келган низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиб бўлмаганда, тарафлар Иқтисодий судга мурожаат этадилар.
6.3. Судга мурожаат этишдан олдин, тарафлар қуйидагиларни бажарадилар:
а) Вужудга келган низо ва келишмовчиликларни ҳал этиш истагини билдирган ҳолда, вужудга келган низо ва камчиликларни кўрсатиб тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган талабномани буюртмали хат билан юборади.
б) Талабномани олган тараф талабномага жавоб хатини талабномани олган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қачон юборилганлигини ишончли аниқлаш имкониятини берадиган воситалар орқали юборади.

## VII. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

7.1. Шартномага ўзгартиришлар мазкур шартномага қўшимча равишда тузиладиган қўшимча шартномага асосан киритилади.
7.2. Ўзгартириш киритмокчи бўлган тараф иккинчи тарафга шартномага ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қўшимча шартнома лойиҳасини юборади.
7.3. Шартномага ўзгартириш киритиш тўғрисида қўшимча шартнома лойиҳасини олган тараф, ушбу лойиҳани олган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида кўриб чиқиб лойиҳани юборган тарафга жавоб йўллайди.
7.4. Қўшимча шартнома лойиҳасини олган тараф лойиҳани олган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида жавоб йўлламаса шартнома лойиҳаси қабул қилинган ҳисобланади.

## VIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР БЎЛИШИ

8.1. Мазкур Шартнома бўйича тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганларидан сўнг бекор бўлган ҳисобланади.
8.2. Шартномани бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
8.3. Мазкур шартномани бекор қилмоқчи бўлган тараф иккинчи тарафга шартномани бекор қилиш шартларини кўрсатган ҳолда шартномани бекор қилиш тўғрисида шартнома лойиҳасини юборади.
8.4. Мазкур шартномани бекор қилиш тўғрисида шартнома лойиҳасини олган тараф, олган кунидан бошлаб 15 кун ичида ушбу лойиҳани кўриб чиқиб, иккинчи тарафга жавоб хати юборади.

8.5. Мазкур шартноманинг 8.4. бандида кўрсатилган муддат ичида шартномани бекор қилиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини олган тараф иккинчи тарафга лойиҳа юзасидан жавоб хати юбормаса, шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

## IX. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартнома ўзбек тилида икки нусхада ёзилган бўлиб, шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.
9.2. Шартнома муддати тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганлардан сўнг тугаган ҳисобланади.
9.3. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг тарафлар ўртасида бўлган ҳар қандай оғзаки ёки ёзма келишувлар, битимлар ва аризалар, шартнома имзолашдан олдин бўлган ҳар қандай ёзишма ва музокаралар ўз юридик кучини йўқотади.
9.4. Мазкур шарномага киритилган барча ўзгартиришлар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ҳамда ушбу ўзгартиришлар тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга киради.
9.5. Ҳар қандай хат-хабарлар ёзма шаклда почта орқали буюртма олинганлигини тасдиқловчи хат билан юборилиши керак.
9.6. Мазкур шартнома шартлари, унга қўшимча шартномалар ва шартнома юзасидан тарафлар олган бошқа маълумотлар конфиденциал ҳисобланиб, ошкор этилмайди.

## X.ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” | “БУЮРТМАЧИ” |
| --- | --- |
| | |

*2022 йил ___ мартдаги*
*____-сонли шартномага*
*иловалар*

**Товар (маҳсулот)ларнинг махсус хусусиятлари:**

| | |
|---|---|
| Ранги | |
| Мато  тури | |
| Ички мато тури | |
| Ипнинг тури | |
| Тугмалар | |
| Мувофиқлик сертификатининг рақами (белгиланган ҳолларда) | |
| Етказиб бериш жойи | |
| Етказиб бериш тури | |
| Товар (маҳсулот)ларнинг яроқлилик муддати | |
| Кафолат ва хизмат кўрсатиш муддати | |
| Товарлар билан ўтказилган ҳужжатлар рўйхати | |




Рис.1 Технический рисунок Костюм женский

## Костюм женский

Костюм длиной до линии бедер, полуприлегающего силуэта, с центральной застежкой на одной обметанной петле и одну пуговицу. Полочки с рельефами от линии проймы до линии низа через талевую вытачку и прорезными карманами с клапаном. По спинке средний шов переходит в шлицу по центру спинки. Рукава длинные втачные, двух шовные. Воротник пиджачного типа, концы воротника и лацканы прямоугольной формы. Костюм выполнен на подкладке из шелковой подкладочной ткани в цвет основной ткани.

## Общий вид








Рис.1 Технический рисунок Жилета женского

**Жилет**

Жилет-спинка с рельефами из верхнего среза, по переду рельефы из проймы, с центрально – бортовой застежкой на четыре пуговицы и четыре обметанных петель. С боковыми прорезными карманами. Низ жилета фигурный.

**Общий вид**








Рис.1 Технический рисунок Блузки